

Бисмиллаҳи таваккалту ʔалаллоҳи

08:20 / 13.01.2018 6127

Мўминлар онаси Умму Салама розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон уйларидадан чиқсалар:

«Бисмиллаҳи таваккалту ʔалаллоҳи. Аллоҳумма инний аъзузу бика ан адилла ав удалла ав азилла ав узалла ав азлима ав узлама ав ажҳала ав йужҳала ʔалаййа» (яъни, «Аллоҳ номи билан, Аллоҳга таваккал қилдим. Эй Раббим, адашиш ва адаштиришдан, тойилиш ва тойилтиришдан, зулм қилиш ва зулм кўришдан, жоҳиллик қилиш ва менга нисбатан жоҳиллик қилинишидан Сендан паноҳ сўрайман»), деб айтардилар.

Саҳиҳи ҳадис бўлиб, Абу Довуд, Термизий ва икковларидан бошқалар саҳиҳ санадлар билан ривоят қилишган. Термизий, ҳасан ва саҳиҳ ҳадис, дедилар. Бу Абу Довуднинг лафзидир.